

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРОВ ФУРҚАТ ТУРСОАТОВИЧ**

**КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economics sciences**

**Темиров Фурқат Турсоатович**

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил  
этишни такомиллаштириш йўллари.....3

**Темиров Фурқат Турсоатович**

Пути совершенствования организации бухгалтерского учета в  
многопрофильных фермерских хозяйствах.....27

**Temirov Furqat Tursoatovich**

Ways to improve organization of accounting in multi-industry farms.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРОВ ФУРҚАТ ТУРСОАТОВИЧ**

**КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.3.PhD/Iqt735 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tseu.uz](http://www.tseu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашева Шахло Тургуновна**  
Иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хотамов Комилжон Раббимович**  
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маматқулов Мурод Шукурович**  
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

**С.К. Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ечими дунё амалиётида бевосита қишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланишига боғлиқ. Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига озиқ-овқат етказиш билан бирга саноатнинг етакчи тармоқларини ҳам хомашё билан таъминлаб туради. Жаҳон банки маълумотларига кўра, «дунё ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалик секторининг улуши ўртача 5,6 % атрофида бўлиб, турли мамлакатлар бўйича ҳисобга олинганда 0,03 фоиздан (Сингапур) 55 фоизгача (Сьерра Леоне) ораликни ўз ичига олади»<sup>1</sup>. Мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви, иқлим шароити ва бошқа бир қанча ўзига хос хусусиятлар турли давлатларда турлича кўрсаткичларни кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги сектори қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бу эса фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳимлигини оширади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, сақлаш ва етказиб беришни такомиллаштириш, бир тармоқ учун чиқинди ёки иккиламчи маҳсулот ҳисобланган қийматликлардан бошқа яқин тармоқ корхонаси томонидан фойдаланиш, тармоқлар ўзаро бирлашиши эвазига кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиш орқали йўқотишларни камайтириш, электрон қишлоқ хўжалиги стратегиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигига инновацияларни киритиш орқали камхарж ва юқори самарадорликка эришиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, дунё амалиётида бир-бирига яқин бўлган қишлоқ хўжалиги тармоқ корхоналарининг бирлашиши эвазига кўп тармоқли фаолиятнинг вужудга келиши натижасида улардаги ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари, шартномалар ва ички ҳужжатларни юритиш, ахборот алмашишлар ташкил қилиш амалиётини янада такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бу соҳада юқори самарадорликка эришиш асосий мақсад қилиб олинди. 2021 йилги давлат дастурида ҳам қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини ва самарадорликни ошириш бўйича «кооперациялар ташкил этиш, уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, даладан бозорга етказиб бериш ва экспортни амалга ошириш тизимини жорий этиш»<sup>2</sup> сингари вазифалар белгилаб берилган. Мазкур

<sup>1</sup> [https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share\\_of\\_agriculture/](https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_agriculture/)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури.

вазифалар мамлакатимизда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб берувчи фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, шу билан бирга экспорт фаолиятини ҳам амалга ошириш заруратини келтириб чиқариб, бир неча тармоқ фермерларининг бирлашиб, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Шу боис, кўп тармоқли фермер хўжаликларида кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобини юритиш, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар ҳамда ишлаб чиқариш захиралари бўйича ҳужжатлаштириш, тармоқ хусусиятини эътиборга олган ҳолда харажатлар ҳисобини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3824-сон «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 27 январдаги ПҚ-4964-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги сектори, жумладан фермер хўжаликларинининг ташкилий механизми, молиявий қўллаб-қувватлаш уларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар мазкур соҳанинг ривожланишига замин яратмоқда. Жумладан, бу соҳада илмий изланиш олиб борган олимлар қаторига хорижлик иқтисодчи олимлардан Carl S. Warren, Barry Elliot, Thomas P. Edmonds, М.И.Кутер Р.Г.Каспина, В.Ф.Палий, Н.П.Кондраков, М.Ф.Бичков, А.П.Ефименко, Гонова О.В., С.Б.Жабуюева, Е.В.Фастова ва бошқаларни киритиш мумкин<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accountin USA, 2014. 25th Edition.; Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition.; Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Philip R. Olds, Edward E. Milam. Fundamental FinancialAccounting Concepts. (SBN 978-0-07-802536-5) , New York. 2013.; Кутер М.И. Введение в бухгалтерский учет. Учебник. – 2 – из.стер. – Майкоп ЕЛИТ, 2015.; Каспина Р.Г., Плотникова Л.А. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности: учеб. пособ. Россия.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам қишлоқ хўжалиги, хусусан, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Натижада соҳага оид қатор илмий мақолалар, монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликлар чоп этилди. Булар жумласига А.Сотиволдиев, М.Қ.Пардаев, А.К.Ибрагимов, Р.Д.Дустмуратов, Н.Ф.Каримов, Р.О.Холбеков, А.Ж.Тўйчиев, К.Б.Ўразов, С.В.Вохидов, Б.А.Хасанов, И.Н.Қўзиев, Б.Ю.Махсудов, М.Б.Калонов, Б.Ю.Менгликулов, А.Ш.Тошпўлатов ва бошқаларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин<sup>4</sup>.

Республикаимиз иқтисодчи олимларидан Р.Д.Дустмуратов қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориб, ўз хулосаларини билдирган бўлса, Б.Ю.Менгликулов томонидан қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари, жумладан, чорвачилик йўналишида тадқиқотлар олиб борилиб, сўнгги йилларда биологик активлар ҳисобини юритиш масалаларига алоҳида объект сифатида эътибор қаратилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби такомиллаштиришга қаратилган алоҳида мустақил тадқиқотнинг ўтказилмаганлиги ва мазкур соҳани чуқурроқ ўрганиш зарурати диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

---

– М.: Ексмо, 2010.; Палий В. Ф. Международный стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. – М.: Инфра-М, 2014.; Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет: учеб. – М.: Проспект, 2009.; Бичков М.Ф. Проблемы формирования системы учета в крестьянских (фермерских) хозяйствах / М.Ф.Бичков // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий, 2015. № 8. – С. 36-39.; Ефименко А.П. Опыт организации учета затрат хозрасчетных подразделений / А.П. Ефименко, П.Ф. Рашковский // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий, 2008. № 6. – С. 30-34.; Гонова О.В., Буйских В.А. Современное состояние региональной системы государственного регулирования малого предпринимательства (на материалах Ивановской области. О.В. Гонова, В.А. Буйских // Научный журнал «Аграрный вестник Верхневолжья». – Иваново. ФГБОУ ВО Ивановская ГСХА, No 3 (15), 2016. –152 с. – С. 111-116.; Жабуева С.Б. Перспективы внедрения и методологические аспекты учета биологических активов. Научное сообщество студентов XXI столетия. Экономические науки: сб. ст. по мат. XXXII междунар. Студ. Науч.-практ. Конф. №5(32). Россия, г. Новосибирск, 05 мая 2015 г. Фастова Е.В. Учет биологических активов по справедливой стоимости в соответствии с МСФО 41 «Сельское хозяйство». // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий, 20140. №1. – С. 33-39.

<sup>4</sup> Сотиволдиев А. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Мехнат, 1991 й.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқт.фан.д-ри. дисс....автореф. БМА. – Т., 2004.; Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.; Дустмуратов Р.Д., Джураев Б.М. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсати: услубий ва ташкилийтехник жиҳатлари. Монография. – Т., 2016. 16-б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Дис. Автореф. .. иқт. фан док. – Т., 2007., Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. – Т.: ФАН, 2005. - 198 б.; Тўйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис..иқт.фан.д-ри. – Т., 2011.; Ўразов К., Вохидов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. /Дарслик. – Т.: «Адиб» нашириёти, 2011.; Хасанов Б.А. Учет и анализ деятельности овцеводческих хозяйств в условиях новых форм хозяйствования: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 1991. -26 стр.; Qo‘ziyev I.N., Abduvaxidov F.T., Dadabayev Sh.X. Buxgalteriya hisobi. Darслиk. – Т.: TDIU, 2019. – 403 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) дисс.автореферати. – Т.:ТМИ, 2018; Калонов. М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.д-ри (DSc). дисс..автореф. – Т., 2019. – 19 б.; Менгликулов Б.Ю.Биологик активларни тан олиш ва ҳисобини ташкил этиш масалалари. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнал. 5/2016. 122-б.; Тошпўлатов А.Ш. Фермер хўжаликларида харажатлар ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: Iqtisodiyot, 2017. -118 б.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сон «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалигининг табиий иқлим шаротини инобатга ҳолда кўп тармоқли фермер хўжаликларида кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобини ўрганиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида шартномавий муносабатлар, дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари бўйича ҳужжатлаштириш тизимини ўрганиш, мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тавсиялар шакллантириш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулотларни сотишдан олинган маржинал даромадни ҳисоблашда харажатлар таркибини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш ва хулосалар шакллантириш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида счётлар тизими ва икки ёқлама ёзув усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, индукция ва дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

кўп тармоқли фермер хўжаликларида табиий иқлим шароити ҳамда кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олишда 2200 – «Тасодифий йўқотишлар»ни ҳисобга олиш ишчи счётини очиш ҳамда 2210 ва 2220 счётларини амалий қўллаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тизими таклиф этилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида «дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар» ҳамда «моддий ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш» регистрлари ишлаб чиқилган;



кўп тармоқли фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинадиган маржинал даромадни аниқлашда ўзгарувчан харажатлар таркибидаги шартли ўзгарувчан харажатларни алоҳида ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши намунавий шакли таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишда дастлабки ҳужжат шаклларидаги такомиллашган намунавий вариантлари таклиф этилган;

кўп тармоқли фермер хўжалигининг фойдасини аниқлашда оддий тизим («харажат-даромад» тамойили) бўйича ва сўтлар тизими ва икки ёқлама ёзув усули бўйича аниқлаш методикаси таклиф этилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида ҳисоб юритишнинг стратегик таҳлили схемаси таклиф этилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида биотрансформацияни амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг асослилиги, иқтисодчи олимларнинг фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисобга олиш хусусидаги илмий-назарий ёндашувларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, илғор хориж тажрибаси чуқур ўрганилганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳам фермер хўжаликлари ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан олингани ва тегишли хулоса ҳамда таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот давомида олинадиган ва илғори суриладиган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар кўп тармоқли фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисоби, шу билан бирга мазкур тармоқда ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш ҳамда субъект маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва етиштирилган маҳсулот таннархини аниқлаш мақсадида 2200 – «Кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олиш» ишчи счётини киритиш таклифи Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан 2021 йил 12 майдаги 21/27/2-сон баённомаси билан амалиётга жорий этилган (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 12 майдаги 01/03-1359-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши кўп тармоқли фермер хўжаликларида кўзда тутилмаган харажатларни 2200 – «Кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олиш» счётида алоҳида ҳисобини ташкил қилиш натижасида етиштирилган маҳсулот таннархи ошиб кетишининг олди олинган ҳамда харажатларни самарали бошқаришга эришилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар ҳамда моддий ишлаб чиқариш захираларининг дастлабки ҳисобини юритиш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоб регистрлари Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан 2021 йил 12 майдаги 21/27/2-сон баённомаси билан амалиётда фойдаланиш учун жорий қилинган ҳамда 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг ўқув режасидаги «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» фани бўйича ўқув қўлланмага киритилган (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 12 майдаги 01/03-1359-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 01 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-t-007 рақамли гувоҳномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳисобини юритиш аниқлиги таъминланган ҳамда маблағлардан самарали фойдаланишга эришилган. Шунингдек, активлар ҳаракатини тегишли ҳужжатларда акс эттирилишини ўз вақтида бажариш, ҳисоб-китоблар аниқлигини ошириш имконияти яратилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинадиган маржинал даромадни аниқлашда ўзгарувчан харажатлар таркибидан шартли ўзгарувчан харажатларни алоҳида ҳисобга олиш таклифи Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан 2021 йил 12 майдаги 21/27/2-сон баённомаси билан амалиётга жорий қилинган ҳамда 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг ўқув режасидаги «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» фани бўйича ўқув қўлланмага киритилган (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 12 майдаги 01/03-1359-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 01 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-t-007 рақамли гувоҳномаси). Мазкур методика амалиётга жорий этилиши кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот сотишдан

олинадиган фойдани ҳисоблаш аниқлиги таъминланган ҳамда улардан самарали фойдаланишга эришилган. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг молиявий натижаларини режалаштириш, фермер хўжалиги фойдасини ҳисоблаш, лойиҳаларни бошқариш, қарор қабул қилишга таъсир этувчи омилларни аниқлашга услубий асос сифатида ҳизмат қилган;

кўп тармоқли фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсати таркибий тузилишининг такомиллаштирилган намунавий шакли Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан 2021 йил 12 майдаги 21/27/2-сон баённомаси билан амалиётга жорий этилган (Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 12 майдаги 01/03-1359-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кўп тармоқли фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий таъминоти яратилган ҳамда фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ва ишонли молиявий (бухгалтерия) ахборотлар билан таъминлашга эришилган. Бухгалтерия ҳисоби усуллари кўп вариантлиги шароитида халқаро стандартлар асосида ҳисоб сиёсатига мувофиқ натижавий кўрсаткичлар бўйича ҳисобот тузишнинг услубий асослари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертация ҳажми 137 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зурурлиги асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижасида олинган хулосаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар талаб даражасида келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Иқтисодиётда қишлоқ хўжалигини тутган ўрни ва уларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг**

**назарий-услубий асослари»** деб номланиб, иқтисодиёт тармоқларида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ва уларда бухгалтерия ҳисобининг вазибалари, кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилишининг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари ёритилган.

Тадқиқотларга кўра, жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг улуши 2019 йилда 4,2 %ни ташкил қилган<sup>5</sup>. Бу кўрсаткич дунё мамлакатлари ҳамда географик ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, 2019 йилда энг катта улуш Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келганлигига гувоҳ бўлиш мумкин (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши (2019 йил)<sup>6</sup>

№	Географик ҳудудлар	млрд. долл.	Улуши, %да
<b>Дунё бўйича</b>		<b>3 515.2</b>	<b>100</b>
<b>Шундан:</b>			
1.	Осиё	2 243.7	63.8
2.	Америка	473.9	13.5
3.	Африка	385.2	11.0
4.	Европа	368.3	10.5
5.	Океания	44.0	1.2

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда дунё мамлакатлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 64 %и Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Европа мамлакатлари улуши эса 10,5 %ни ташкил этмоқда. Дунёда энг кам улуш Океания мамлакатлари ҳиссасига тўғри келиб, бу кўрсаткич 1,2 %ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, дунё аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда Осиё мамлакатлари алоҳида ўрин тутди.

Дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон 37-поғонада бормоқда<sup>7</sup> ҳамда бу кўрсаткич Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич эканлиги, лекин Ўзбекистон Республикасининг салоҳияти бунданда юқорилигини ҳисобга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда ушбу тармоқни янада ривожлантириш, соҳага янги техника ва технологияларни кенг жорий этиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотларга кўра, COVID-19 коронавирус пандемияси шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ЯИМдаги улуши 2020 йилда 28,2 %ни ташкил қилган. 2021 йилда 26,6 %ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Қуйидаги 2-жадвалда Ўзбекистон Республикаси томонидан 2015-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари келтириб ўтилган.

<sup>5</sup> [www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html](http://www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html)

<sup>6</sup> [www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html](http://www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html)

<sup>7</sup> [www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html](http://www.be5biz//makroekonomika/agriculture/asia.html)

**Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари<sup>8</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, млрд. сўм	99604,6	115599,2	148199,3	187425,6	216283,1	249754,5
Шу жумладан:						
деҳқончилик	55429,2	61755,1	83303,4	98406,4	111904,8	123556,0
чорвачилик	44175,4	53844,1	64895,9	89019,2	104378,3	126198,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	106,1	106,3	101,0	100,2	103,3	102,8
Шу жумладан:						
деҳқончилик	105,5	105,7	98,2	95,8	104,8	103,4
чорвачилик	106,9	107,0	104,1	105,7	101,6	102,1

2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 2015 йилда 99604,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, 249754,5 млрд. сўмни ташкил қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. 2020 йилда 2015 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта ошганлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маълум бир турини етиштириш билан ихтисослашиб қолмай, шу билан бир қаторда, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва турли хизматлар кўрсатишдек кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиш уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлайди, тармоқдаги мавжуд иқтисодий ресурслардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини оширади.

Муаллифнинг фикрича, кўп тармоқли фермер хўжаликларида бошқарувнинг барча функциялари нафақат норматив кўрсаткичлар, балки тадбиркорнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида аниқ маълумот берувчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларига ҳам асосланиши керак. Шунинг учун тадбиркорликни бошқаришнинг барча функцияларини қуйидагича таклиф этиш мумкин (1-расм).

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Қуйида келтирилган айрим функцияларнинг бажарилиши ва уларга амал қилиш 1-расмда таклиф этилган ҳисоб тизимини тузишни таъминлаши мумкин:

тадбиркор ёки унинг оила аъзоларидан бири томонидан тизимни тузиш бўйича ягона методологик асосга йўналтирилган мустақил ҳисоб юритилиши;

бухгалтерия ҳисоби объектларининг соддалаштирилган тарзда гуруҳланиши ва «икки ёқлама ёзиш» тамойили бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳодисаларини акс эттиришнинг тўлиқлиги;

бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар регистрларининг бирхиллаштирилиши;

ахборотнинг ўз вақтида шакллантирилиши, тадбиркорлик фаолиятини таҳлил, назорат ва прогноз қилиш, режалаштириш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг қулайлиги.



**1-расм. Фермер хўжаликларида бошқарув функцияларининг таркибий-манتيқий чизмаси<sup>9</sup>**

Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий ахборот умумий ҳажмининг 70-80 %и бухгалтерия ахбороти улушига тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, яқин вақтга қадар бошқарув қарорлари учун бухгалтерия ахборотидан фойдаланиш коэффиценти 20-30 %ни ташкил қилар эди.

Муаллифнинг фикрича, ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришни фойдали ахборот билан таъминлашда ҳисоб юритишнинг икката тури муҳимлигини инкор этмаслик лозим. Уларни такомиллаштиришда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш зарур.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатларга кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этиш йўли билан

<sup>9</sup>Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

эришилади. Бунинг учун ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва аграр соҳа тадбиркорлик тузилмаларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қулай услубларини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати**» деб номланиб, унда кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш амалиёти, уларда ишчи счётларни очиш ва амалиётда қўллаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тизими ҳамда ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилишини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар келтирилган.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида бирламчи ҳужжатларнинг унификацияланган шаклларини қўллаш мумкин, яъни ҳисоб юритишнинг алоҳида объектлари бўйича бирламчи ҳужжатларда таҳлилий ахборотни ҳам, йирик қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳисоб регистрларида юритиладиган синтетик ахборотни ҳам бирлаштириш мумкин.

Муаллифнинг фикрича, ҳисоб юритиш фермер хўжаликлари учун қулай бўлиши, ҳисоб юритишнинг соддалаштирилган тизими усуллари ва ҳисоб юритишнинг икки томонлама тизими усуллари ўзида уйғунлаштириши, шу билан бирга солиқ ва молиявий ҳисоботлар учун тўлиқ ахборотни тақдим этиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, унинг услубий жиҳатларини баён қилиш бевосита улар томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топади. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ташкил қилиш ва юритиш борасида бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди<sup>10</sup>. Ушбу қонун ҳужжатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботларни МҲХС асосида тузиш белгилаб қўйилган. Бу эса субъектлар томонидан ишлаб чиқилаётган ҳисоб сиёсати ҳам МҲХС талабларига мос келишини англатади. 8-сонли «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар» номли МҲХСда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган, яъни «Ҳисоб сиёсати ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланилувчи муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар ва амалий ёндашувлар йиғиндисидир<sup>11</sup>.

Ҳисоб сиёсати, унинг таркибий қисмлари бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг фикрлари таҳлилига кўра, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда, аввало, тармоқнинг хусусиятини эътиборга олиш

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

<sup>11</sup> Международные стандарты финансовой отчетности: издание на русском языке. – М.: АСКЕРИ, 2010.

тавсия этилади. Қуйидаги жадвалда муаллиф томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатини МҲХС бўйича таркибий тузилишининг намунавий шакли ҳамда қуйидаги масалалар ўз аксини топиши кераклиги белгиланган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши (МҲХС бўйича таклиф)

Ҳисоб сиёсатининг таркибий бўлимлари номи	Таркиби
1. Умумий қоидалар	Ҳисоб сиёсати мақсадлари, ҳисоб сиёсатининг вазибалари, ҳисоб сиёсатининг асослари, ҳисоб сиёсатининг МҲХСга мувофиқлиги, амалдаги сўётлар режаси, бухгалтерия хизматини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳисоб сиёсатини танлашга таъсир этувчи омиллар акс эттирилади
2. Молиявий ҳисобот	Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тамойиллари ва сифат хусусиятлари, молиявий ҳисобот элементлари, молиявий ҳисобот компонентлари ва фойдаланувчилари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш, ҳисобот даври ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот валютаси, оралик ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг мувофиқлигини имзолаш ва тасдиқлаш баён этилади
3. Бухгалтерия ҳисобининг танланган услуби ва уларнинг ёритилиши	Асосий воситалар, номоддий активлар, қишлоқ хўжалиги (биологик активлар), ижара ҳисоби, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва қисқа муддатли депозитлар, капитал қўйилмалар, резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар ҳамда уларни ҳисобга олишда қўлланиладиган бошланғич ҳужжатлар шакллари, ҳисоб регистрлари, ишчи сўётлар режаси ҳамда бухгалтерия ҳисоби дастурий таъминоти ва уни юритиш тартиблари кўрсатилади
4. Солиқ сиёсати	Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш методикаси, солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, солиқ ставкалари, солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган сўётлар, солиқ ҳисоботлари ва уларни тақдим этиш ҳамда тўлаш тартиблари акс эттирилади
5. Якуний қоидалар, маълумотларни қўшимча ёритиб бериш ва таҳлил қилиш	Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қайд этиш, ҳаққоний қийматни баҳолаш, бухгалтерия баланси санасидан кейинги ҳодисалар, маълумотлар ёритиб берилди

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, кўп тармоқли фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатининг тўғри белгиланиши ҳамда унда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бухгалтерия




ҳисобининг танланган услуби ва уларнинг ёритилиши, шунингдек солиқ сиёсатининг тўғри белгиланиши муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида тасодифий йўқотишларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш тизими ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда. Лекин аграр хўжалик тармоғида тасодифий йўқотишлар фақат табиий офатлар натижасида содир бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатлар таркибига кирувчи харажат моддалари реестрини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш табиий иқлим шароитига боғлиқлиги ҳамда харажатларнинг тўғри ҳисобини юритишда бирмунча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Амалда фойдаланилаётган счётлар режасида табиий иқлим шароитлари натижасида юзага келувчи (қўшимча) харажатларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида счёт белгиланмаган. Бунинг натижасида кўп тармоқли фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш, яъни табиий об-ҳаво шароити натижасида юзага келувчи тасодифий харажатларни ҳисобга олиш ҳамда бу харажатларни тақсимлаш жараёнида метадиалогик муаммолар мавжудлиги соҳада тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини яна бир бор исботламоқда.

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган «тасодифий йўқотишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёт» кўп тармоқли фермер хўжаликларида харажатлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлашда муҳим ҳисобланади. Таклиф этилаётган счёт модели куйида келтирилган (2-расм).



**2-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатларни ҳисобга олиш схемаси**

Ушбу схемада кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатларни маҳсулот таннархига киритиш ёки уни қоплаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари келтирилган.

Ушбу харажат моддаларини муаллиф томонидан таклиф қилинаётган 2200 – «Тасодифий йўқотишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёти» алоҳида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ ҳамда қуйидаги аналитик счётларни киритиш илмий асосланди:

2210 – «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича тасодифий харажатларни ҳисобга олувчи счёт»;

2220 – «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида юзага келувчи тасодифий харажатларни ҳисобга олувчи счёт».

Диссертациянинг учинчи боби «**Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби шакллари оптималлаштириш ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланиб, кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби шакллари оптималлаштириш ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида биологик активлар ҳисобини амалий қўллаш истиқболлари баён этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳисоб юритиш шаклига нисбатан қўйиладиган асосий талабларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

ҳисоб юритиш мазмунини ташкил этиш;

бухгалтерия ҳисоби тизимини прогрессив ривожлантириш;

изчиллик ва оқилоналик;

хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик жараёнлари тўғрисидаги зарур ахборотни олиш учун бухгалтерия хизматлари фаолиятининг тежамкорлиги ва сифатлиги.

Назарияни ўрганиш, амалиёт ва илғор тажриба, шунингдек, ишлаб чиқилган тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда олинган натижаларни умумлаштириш асосида муаллифнинг фикрича, кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланилаётган ҳисоб регистрлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:


ягона методологик асос («даромад-харажат» тамойили ёки «икки ёқлама ёзиш» тамойили);

аналитик ва синтетик ҳисоб юритиш маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида барча хўжалик операцияларини регистрларда бир вақтнинг ўзида акс эттириш.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг шакли ва мазмунини ривожлантиришнинг диалектик ягоналигидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ (3-расм).

3-расмга кўра, хўжалик фаолиятининг барча турларини бошқариш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини белгиланган вазифаларни ҳал этиш ва белгиланган асосий функцияларни бажариш даражасида лойиҳалаштиришни ташкил этиш зарур.



**3-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий элементлари фаолиятининг концептуал модели<sup>12</sup>**

Ўтказилган тадқиқот натижасида муаллифнинг фикрича, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоби счётлар тизимини ҳисоб юритишнинг турли шаклларида, шу жумладан соддалаштирилган шаклидан оптимал даражада, лекин заруратга кўра фойдаланиш, шунингдек, фермер хўжалигининг ўлчамлари, фаолият ва хўжалик жараёнларининг ўзига хос

<sup>12</sup>Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хусусиятлари ҳамда мазкур ташкилотнинг бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган счётлар режасини танлаш учун тузиш лозим.

Шунинг учун, муаллифнинг фикрича, бундай хўжаликларда фаолиятнинг бухгалтерия ҳисобини юритишни содда шаклдаги ҳисоб регистрларида ва бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси амалдаги тизимининг алоҳида счётларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ, ҳисобга олиш учун таклиф этилаётган счётларнинг ҳар бири ҳисоб юритиш регистрини (китобини) намоён этади ҳамда муаллиф томонидан хўжалик операцияларини рўйхатга олиш китобларининг оптимал вариантлари ишлаб чиқилди. Улар куйидагилардан иборат:

дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олиш китоби;  
моддий-ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш китоби;  
асосий воситалар ва ҳисобланган амортизацияни ҳисобга олиш китоби;  
ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш китоби;  
маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш китоби;

маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш китоби.

Мазкур ишлаб чиқилган ҳисоб юритиш регистрлари (китоби) кўп тармоқли фермер хўжалиги бухгалтерия маълумотларининг ишончилиги ва ҳисоб юритишнинг аниқлигини таъминлайди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисобга олиш – фермер хўжалиги бухгалтериясининг энг муҳим бўғини ҳисобланади, чунки ишлаб чиқариш жараёни – фермер хўжалиги хўжалик фаолиятининг асосини ташкил қилади. Фермер хўжалигида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» актив счётида; 2011 «Деҳқончилик»; 2012 «Чорвачилик»; 2013 «Саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётлари доирасида, тегишлича, «+» белгиси қўйилган куйидаги харажат моддалари бўйича юритиш мумкин (4-жадвал).

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олишни ташкил этиш, балки уларни бошқариш, фермер хўжалигининг ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини, экинлар гуруҳи, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг гуруҳи, ишлаб чиқариш тури бўйича маржинал даромади ва фойдасини таҳлил қилишнинг босқичма-босқичлиги харажатларни моддалар бўйича гуруҳлаш имконини беради.

**Маржинал даромад = Баҳо – Ўзгарувчан харажатлар – Шартли ўзгарувчан харажатлар,**

Бу ҳолатда етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича олинadиган фойдани куйидагича аниқлаш мумкин:

**Фойда = Маржинал даромад – Доимий харажатлар**

#### 4-жадвал

### Кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш учун қилинадиган харажатларни моддалар бўйича гуруҳлаш

№	Харажатлар моддалари номи	Чорвачилик	Дехқончилик	Саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқариш
Ўзгарувчан харажатлар				
1.	Уруғлар ва кўчатлар		+	
2.	Ўғитлар		+	
3.	Ўсимликларни парваришlash воситалари		+	
4.	Озуқа	+		+
5.	Ҳайвонларни ҳимояlash воситалари	+		
6.	Ёқилғи, хомашё ва материаллар	+	+	+
Шартли-ўзгарувчан харажатлар				
7.	Ёлланма иш ва хизматлар	+	+	+
8.	Ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмаларни амалга оширган ҳолда ёлланма ходимларга иш ҳақи тўлаш	+	+	+
9.	Асосий воситалар	+	+	+
Доимий харажатлар				
10.	Бошқа харажатлар	+	+	+

